



1917 йил 27 февралда Петроградда демократик инкилоби галабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депу-татлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вакилларида тузилган ижроия комитетлар ташкил этила бошланди. Тошкентнинг ҳамма даҳалари вакиллари тўпланиб «Шўрои Исломия» ташкилотини туздилар.

1917 йилнинг март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият макомини бериш гоёси нафакат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий фуқаролар орасида ҳам таркала бошлади. 31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи-Туркистон генерал-губернатори ҳокимиятни тарк этди. 1917 йил 7 апрелда Муваккат ҳукумат қарори би-лан кадет Н.Н.Щепкин раислигида Туркистон кўмитаси ташкил қилинди. 9 кишидан иборат бу комитет аъзоларининг тўрттаси: А. Букейхонов, М.Тинишбоев, С. Максудов ва А. Давлетшинлар туркий халқлар вакилларида эди. Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда «Шўрои Исломия» нинг Тошкент таш-килоти ташаббуси билан қақирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи иш бошлади.

Қурултойнинг сўнги мажлисида марказий раҳбар орган-Туркистон ўлка мусулмон шўроси ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Ҳори бошчилигидаги «Шўрои Исломия»дан 1917 йил июн ойида диний уламолардан ташкил топган «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. «Шўрои Уламо» жамияти тарафдор-лари демократик қайфиятдаги миллий зиёлилар ва мусулмон рухонийларнинг жами-ятда ислохотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига ва европача маданият-нинг қириб қелишига қескин қарши чиқишди. Маърифий, сиёсий соҳадаги янгила-нишлар ҳақидаги гоёларни ҳам рад этишди.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринди. Сентябрь воқеалари натижасида

Тошкент Совети хокимиятни кўлга олишга ҳаракат килди.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II курултойи очилди. Ушбу курултой хокимиятни солдат, ишчи ва дехкон депутатлари советларига беришга қарши чиқди. Сентябрь воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликларни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги йўллари бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва козок мусулмонларнинг курултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бирлашти-риш йўли билан бутун Туркистон ва Козогистон учун умумий бўлган «Иттифоқи мус-лимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

«Уламочилар»нинг ушбу курултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлғуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерация-»Туркистон федератив республикаси» тузилиши ҳақида су-рилди.

Феврал инкилобининг таъсири билан Туркистонда қасаба уюшмалари омма-вий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.